

**ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ҲУҚУҚЛАРИ
ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ХАЛҚАРО ИНДЕКСЛАРДА
ҚОНУН УСТУНЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ
ОМИЛ СИФАТИДА**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўринларни эгаллашига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолаш - иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида дунёда умум қабул қилинган восита ҳисобланади. Бугунга келиб индекслар нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислохотлар ва иқтисодий сиёсатнинг муваффақияти мезонлари сифатида қўлланила бошланди. Бироқ, шу кунга қадар бизда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими яратилмагани сабабли мамлакатимиз халқаро рейтингларда пастки ўринларни эгаллаб келаётганини ҳам ёдда тутишимиз лозим.

The World Justice Project (WJP) халқаро мустақил нотижорат ташкилоти Қонун устуворлиги индекси бўйича 2020 йилги рейтингларни эълон қилди. Унда Ўзбекистон 128 давлат ичида **92-ўринни** эгаллади. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Қонун устуворлиги индекси ушбу ташкилот томонидан 2009 йилдан бошлаб эълон қилиниб келинмоқда. Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар эса 2012 йилдан бошлаб ҳисоботларда акс эта бошлади. Унгача бўлган даврда эса давлатимиз бу рўйхатга киритилмаган.

Рейтингни аниқлашда қуйидаги саккиз кўрсаткич асос қилиб олинган:

1. Ҳукумат ваколатларининг чекланганлиги;
2. Коррупция даражаси;
3. Ҳукумат очиқлиги;
4. Фундаментал ҳуқуқлар ҳимояси;
5. Тартиб ва хавфсизлик;
6. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти;
7. Фуқаролик ишини юритишнинг одилоналиги;

¹⁴⁴ Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

8. Жиноят ишларини юритишнинг одилоналиги;

Мазкур кўрсаткичларнинг ҳар бири 100 балл тизимида баҳоланган бўлиб, жами йиғилган балл кўрсаткичлар сонига нисбатан олинганда давлатнинг индекс бўйича бошқа давлатлар орасидаги ўрни келиб чиқади. Демак, Ўзбекистон Республикасининг ушбу индекс бўйича умумий натижаси хавас қиларли даражада эмас. Лекин юқоридаги баъзи кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз нисбатан юқори ўринларни ҳам забт этган. Жумладан, давлатимиздаги жиноят ишлари бўйича одил судлов ҳолати бўйича (8-кўрсаткич) 126 давлат орасида **67-ўринни** эгаллаганмиз. Масаланинг яна бир жиҳати борки, юқоридаги кўрсаткичларнинг таркибида уларни келтириб чиқарувчи мезонлари мавжуд.

Биз эътибор қаратаётган жиноят ишлари бўйича одил судлов кўрсаткичи қуйидаги мезонлар асосида шаклланган:

- 8.1. Тергов фаолиятининг самарадорлиги;
- 8.2. Судда ишни кўришнинг тез ва самарадорлиги;
- 8.3. Жазони ижро этиш тизимининг самарадорлиги;
- 8.4. Жиноят ишини юритишнинг ҳолисоналиги;
- 8.5. Жиноят ишини юритишнинг коррупциядан холилиги;
- 8.6. Жиноят ишини юритишнинг ҳукумат таъсиридан холилиги;
- 8.7. Айбланаётган шахс ҳуқуқлари таъминланганлиги ва тегишли процессуал тартибнинг белгиланганлиги.

Тергов фаолиятининг самарадорлиги мезони бўйича 2020 йил мамлакатимиз **0.46 балл** тўплаган бўлиб, бу билан баллар нисбати бўйича **21 ўринни**, бироқ давлатлар нисбати бўйича **43-ўринни** эгаллаган, яъни биздан кўп балл тўлаган давлатлар сони 42 тани ташкил этади. Демак, судга қадар иш юритиш масалалари юзасидан хориж тажрибаси ўрганилганда айнан шу 42 давлат жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш тавсия этилади:

Тергов фаолияти самарадорлигини белгилашда, айнан шу мезон бўйича давлатлар рейтингини тузишда қуйидаги мезонлар танлаб олинган:

- Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлашнинг процессуал тартиби тўғри йўлга қўйилганлиги;
- Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларга тўғри айб эълон қилинганлиги;
- Терговни олиб боровчи шахсларда етарлича ресурсларнинг мавжудлиги;

- Терговни олиб борувчи шахсларнинг коррупциядан ҳолилиги;
- Терговни олиб борувчи шахсларнинг компетентлиги.

Демак, юқоридаги ҳуқуқ институтларини янада такомиллаштириш орқали Республикамиз Қонун устуворлиги индексида бир қадар юқори ўринларни забт этиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун рейтингда биздан юқори турувчи давлатлар жинойт-процессуал қонунчилигини тадқиқ этиш талаб этилади.

№	Давлатлар номи	Тўплаган балли	Ўрни
1.	Сингапур	0.83	1
2.	Бирлашган Араб Амирликлари	0.71	2
3.	Гонг Конг махсус бошқарув ҳудуди, ХХР	0.70	3
4.	Канада	0.69	4
5.	Япония	0.68	5
6.	Бирлашган Қироллик	0.67	6
7.	АҚШ	0.67	6
8.	Дания	0.66	7
9.	Австралия	0.66	7
10.	Австрия	0.65	8
11.	Малайзия	0.62	9
12.	Чехия Республикаси	0.62	9
13.	Норвегия	0.61	10
14.	Финландия	0.60	11
15.	Германия	0.60	11
16.	Янги Зеландия	0.60	11
17.	Эстония	0.59	12
18.	Франция	0.59	12
19.	Корея Республикаси	0.59	12

20.	Испания	0.59	12
21.	Белгия	0.58	13
22.	Нидерландия	0.56	14
23.	Руминия	0.55	15
24.	Беларусия	0.53	16
25.	Сенегал	0.53	16
26.	Швеция	0.53	16
27.	Барбадос	0.51	17
28.	Полша	0.51	17
29.	Багама ороллари ҳамдўстлиги	0.50	18
30.	Антигуа ва Барбуда давлати	0.50	18
31.	ХХР	0.50	18
32.	Греция	0.50	18
33.	Доминика	0.49	19
34.	Иордания	0.49	19
35.	Непал	0.49	19
36.	Португалия	0.48	20
37.	Морокко	0.48	20
38.	Ливан	0.48	20
39.	Гренада	0.48	20
40.	Венгрия	0.48	20
41.	Хорватия	0.48	20
42.	Замбия	0.48	20
43.	Ўзбекистон	0.47	21

Бундан ташқари, мазкур индекснинг **8.7 бандида** назарда тутилган “**Айбланаётган шахс ҳуқуқлари таъминланганлиги ва тегишли процессуал тартибнинг белгиланганлиги**” мезони мавжуд бўлиб, унда мамлакатимиз 2020 йилги кўрсаткичлар бўйича 128 та давлат ўрасидан **93-ўринни**, тўпланган балл нисбати бўйича эса 42-ўринни эгаллаган. “Айбланаётган шахс ҳуқуқлари таъминланганлиги ва тегишли процессуал тартибнинг белгиланганлиги” (8.7) мезони қуйидаги ички мезонларга асосланади:

- Жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши (айбсизлик презумпциясига риоя қилинганлиги ва ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва қамокда сақлаш каби ҳуқуқларни ўз ичига олади);

- Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларда уларнинг ўзларига қарши ишлатиладиган далилларга эга бўлиш ва улар бўйича тортишиш имкониятининг мавжудлиги;

- Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан кўпол муносабатда бўлинганлиги;

- Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи билан ишончли таъминланганлиги.

Мазкур мезонлар билан Ўзбекистон Республикасининг дунё мамлакатлари орасидаги ўрнини қуйидаги жадвалдан кўриш

мумкин: _____

№	Давлатлар номи	Тўплаган балли	Ўрни
1.	Швеция	0.92	1
2.	Финляндия	0.91	2
3.	Норвегия	0.89	3
4.	Дания	0.88	4
5.	Австрия	0.83	5
6.	Нидерландия	0.83	5
7.	Германия Федератив Республикаси	0.83	5
8.	Чехия	0.81	6
9.	Белгия	0.79	7
10.	Эстония	0.79	7
11.	Испания	0.79	7
12.	Канада	0.78	8
13.	Корея Республикаси	0.78	8
14.	Бирлашган Қироллик	0.78	8
15.	Австралия	0.77	9
16.	Янги Зеландия	0.77	9
17.	Япония	0.75	10
18.	Сингапур	0.74	11
19.	Коста Рика	0.73	12
20.	Словения	0.72	13
21.	Бирлашган Араб Амирликлари	0.72	13
22.	Гонг Конг махсус бошқарув худуди, ХХР	0.71	14
23.	Италия	0.71	14
24.	Франция	0.67	15

25.	Хорватия	0.65	16
26.	Португалия	0.65	16
27.	Полша	0.64	17
28.	Чили	0.63	18
29.	АҚШ	0.63	18
30.	Босния ва Г ерцоговина	0.63	18
31.	Уругвай	0.63	18
32.	Сент-Китс ва Невис	0.62	19
33.	Руминия	0.61	20
34.	Сент Винсент ва Гренада	0.61	20
35.	Антигуа ва Барбуда давлати	0.60	21
36.	Косова	0.60	21
37.	Доминика	0.59	22
38.	Грузия	0.59	22
39.	Ботсвана	0.58	23
40.	Болгария	0.58	23
41.	Малайзия	0.58	23
42.	Барбадос	0.57	24
43.	Аргентина	0.57	24
44.	Багама ороллари ҳамдўстлиги	0.56	25
45.	Венгрия	0.56	25
46.	Мауритиус	0.56	25
47.	Шимолий Македония	0.56	25
48.	Намибия	0.55	26
49.	Греция	0.55	26
50.	Алжир	0.54	27
51.	ЖАР	0.54	27
52.	Албания	0.53	28
53.	Сент Люсия	0.53	28
54.	Руанда	0.52	29
55.	Мўғилистон	0.50	30
56.	Бенин	0.49	31
57.	Панама	0.49	31
58.	Ямайка	0.49	31
59.	Сербия	0.49	31
60.	Хитой Халқ Республикаси	0.48	32
61.	Иордания	0.48	32
62.	Буркина Фасо	0.47	33

63.	Тунис	0.46	34
64.	Ливан	0.45	35
65.	Сенегал	0.45	35
66.	Суринам	0.45	35
67.	Гана	0.45	35
68.	Молдова	0.44	36
69.	Ветнам	0.44	36
70.	Перу	0.44	36
71.	Қозоғистон	0.43	37
72.	Беларусия	0.43	37
73.	Колумбия	0.43	37
74.	Доминикан Республикаси	0.43	37
75.	Гамбия	0.43	37
76.	Гренада	0.43	37
77.	Эквадор	0.42	38
78.	Таиланд	0.42	38
79.	Индонезия	0.41	39
80.	Нигерия	0.41	39
81.	Туркия	0.41	39
82.	Ҳиндистон	0.40	40
83.	Эрон Ислом Республикаси	0.40	40
84.	Кения	0.40	40
85.	Малави	0.40	40
86.	Сиерра Леоне	0.40	40
87.	Гватемала	0.39	41
88.	Марокко	0.39	41
89.	Непал	0.39	41
90.	Того	0.39	41
91.	Шри Ланка	0.39	41
92.	Замбия	0.39	41
93.	Ўзбекистон Республикаси	0.38	42

Бундан ташқари Қонун учтуворлиги индексининг “Фундаментал ҳуқуқлар ҳимояси”га бағишланган саккизинчи кўрсаткичини белгиловчи учта мезондан бири ҳам **“Айбланаётган шахс ҳуқуқлари таъминланганлиги ва тегишли процессуал тартибнинг белгиланганлиги”** мезони мавжуд бўлиб, унда мамлакатимиз 2020 йилги кўрсаткичлар бўйича 128 та давлат ўрасидан **93-ўринни**, тўпланган балл нисбати бўйича эса 42-ўринни

эгаллаган. Мазкур мезон (4.3) ҳам қуйидаги ички мезонларга асосланади:

- Жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши (айбсизлик презумпциясига риоя қилинганлиги ва ушлаб туриш тўғри қўлланилгани каби ҳуқуқларни ўз ичига олади);

- Жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларда уларнинг ўзларига қарши ишлатиладиган далилларга эга бўлиш ва улар бўйича тортишиш имкониятининг мавжудлиги;

- Жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан қўпол муносабатда бўлинганлиги;

- Жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи билан ишончли таъминланганлиги.

Бундан келиб чиқадики, индекснинг 4.3 ва 8.7 бандларида назарда тутилган мезонлар мазмунан бир хил, шунинг учун ҳам давлатимизнинг иккала банд бўйича кўрсаткичлари ҳам бир хил. Демак, айнан гумон қилинувчининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш масалалари бўйича индексда юқори натижаларга эришган давлатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

«Transparency International» халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган «Коррупцияни тасаввур қилиш» индекси 1995 йилдан бошлаб дунёнинг барча мамлакатларида давлат секторида коррупция даражасини аниқлаш бўйича экспертлар ва тадбиркорлар баҳолари асосида 0 (энг юқори) 100 (энг паст) шкала бўйича баҳоланади. Шунингдек, ушбу индекс Жаҳон банки, «World Justice Project», «Freedom House», Африка тараққиёт банки, «Economist Intelligence Unit» ва бошқа мустақил ва таниқли институтлар томонидан ишлаб чиқариладиган коррупцияга оид маълумотларининг турли манбаларини йиғиш орқали баҳоланади. Бироқ, мазкур индекс бевосита гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланмаган.

Буюк Британиянинг «The Economist Intelligence Unit» аналитик гуруҳи анъанавий йиллик Демократия индекси жами 60та индикатор баҳосига асосланади. Индикаторлар қуйидагича 5та йирик гуруҳга ажратилган: «Сайловлар ва плюрализм», «Ҳукумат фаолияти», «Аҳолининг сиёсий жараёнлардаги иштироки», «Сиёсий маданият» ва «Фуқаролик эркинликлари». Мазкур индикаторларни ўрганиш натижасида бу индекс ҳам айнан жинойт

иши доирасидаги гумон қилинувчи ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш масаласини ўрганмаслигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, «Чегара билмас мухбирлар» халқаро нодавлат ашкilotи **Эркин матбуот эркинлиги индексида** ҳам худди шу ҳолатни кўришимиз мумкин. Сабаби бу индекс барча турдаги оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлари журналистларининг эркинлик даражасини баҳолайди.

Бошқарув сифати индикаторларидан (Worldwide Governance Indicators) бири Ҳуқуқ устуворлиги (Rule of Law) бўлиб, Жаҳон банки индекснинг мазкур индикаторини тузишда бир қанча нодавлат халқаро ташкилотлар тақдим этадиган маълумотларга таяниб, ўзининг кўрсаткичларини ишлаб чиқади. **Ҳуқуқ устуворлиги индикатори** давлатда бизнес доира вакилларининг ўрнатилган тартибга ишониши ва уларга риоя қилиши, яъни шартномалар ижроси сифати, мулкка нисбатан ҳуқуқ, полиция, судларга ишонч, шунингдек жиноят содир этилиши эҳтимоли ўрганилади. Бунинг учун эса ўттиздан зиёд халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилиб бориладиган ҳисоботларга таянилади. Жумладан:

- Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик (World Economic Forum Global Competitiveness Report) ва Gallup World тадқиқот *ташкilotининг* (Gallup World Poll) ҳисоботларидаги **Полиция хизматига нисбатан ишонч, суд мустақиллиги** каби сўровномаларнинг кўрсаткичлари;

- The World Justice Project (WJP) халқаро мустақил нотижорат ташкilotи Қонун устуворлиги индексининг 8-бандидаги **“Жиной одил судлов”** индикатори инобатга олинади. Мазкур индикаторнинг аҳамияти тўғрисида юқорида батафил тўхталдик.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон мустақилликка эришган йиллардан Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролар эркинликларини таъминлаш борасида айрим ҳаракатларни амалга оширишга ҳаракат қилиб келганига қарамай, бу борадаги халқаро рейтингларда ҳамон ўз позициясини яхшилаётгани йўқ. Обрўли ҳуқуқ ташкилотлари, жумладан Human Rights Watch Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарияти томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида айрим ишлар амалга оширилаётгани, бироқ бу етарли эмаслиги, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши билан боғлиқ вазиятни янада яхшилаш учун кўп ишлар қилиниши лозимлигини таъкидламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Неъматов, Жасур. "Purpose and features of methodology for interrogation in criminal proceedings." Общество и инновации 1.2 (2020): 251-259.

2. Неъматов, Жасур. "Цель и особенности методологии проведения допроса в уголовном судопроизводстве." Общество и инновации 1.2 (2020): 251-259

У.Х.РАХИМОВА¹

ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

XXI век прочно ассоциируется с высокими технологиями. Почти в каждой сфере деятельности человека существует различного рода цифровые технологии, упрощающие жизнь и работу людей. К таким технологиям относится и искусственный интеллект (далее - ИИ).

Если кратко останавливаться на том, что такое искусственный интеллект, то можно смело утверждать, что ни в научной литературе, ни в нормативно-правовом акте не пришли к консенсусу об одинаковом определении этого понятия. Дефиниция и её толкование отличаются исходя из сферы его применения. В юридической литературе ученые трактуют определение искусственного интеллекта как компьютеризованную систему, осуществляющую действия, требующие наличия интеллекта^{CXLV CXLVI}. По определению другого ученого-процессуалиста, искусственный интеллект - это программная система, состоящая из определенных алгоритмов, предназначенных для выполнения различных логических, аналитических, творческих и других операций, которые способен выполнить человеческий разум^{CXLVII}. По нашему мнению, вторая дефиниция более подробно раскрывает возможности искусственного

^{CXLV} Старший преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права Ташкентского государственного юридического университета

^{CXLVI} В. В. Станциц Искусственный интеллект в уголовном процесс // Состояние, проблемы и перспективы развития юридической науки и практики: белорусский и зарубежный опыт: сб. науч. ст. // ГрГУ им. Янки Купалы; ред. кол. С. Е. Чебуранова (гл. ред.) [и др.]. - Гродно: ГрГУ, 2021. - с. 242-246

^{CXLVII} Шамсутдинов Б.С. Перспективы использования искусственного интеллекта в уголовном процессе // Научно-практические исследования, 11-2 (34), 2020 г. - с. 52-55